



ИНФОРМАЦИОН ТЕЛЕДАСТУРЛАРДА ТЕЗКОРЛИК ВА ХОЛИСЛИК МАСАЛАСИ

Мухторова Маҳфуза Саидмурот қизи

журналист

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7148960>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 05th October 2022

KEY WORDS

журналистика, телевидение, тележурналистика, информацион дастурлар, теледастурлар, оммавий ахборот воситаси, Ўз. МТРК, телеканал, рейтинг, тезкорлик, томошабин, аудитория

ABSTRACT

Мақолада бугунги тележурналистика ривожини учун долзарб ҳисобланган информацион дастурлар таҳлил қилинади. Зеро телевидение ўзининг таъсирчанлик даражаси, “тўртинчи ҳокимият” сифатида оммабоплиги бўйича чексиз имкониятларга эга экани айтилади. Мақолада таъкидланишича, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда телевидение ўзгаришлардан ортда қолмай, жамиятда бўлаётган воқеаларни тезкорлик билан тасвирлаб бориши лозим. Бу жараёнларда ахборот хавфсизлиги масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этади. Акс ҳолда, ахборот истеъмолчиси ўзига бошқа турли манбалардан маълумот олиши, турли ноҳолис ахборотлар таъсирида ғаразли оқимлар исканжасига илиниши эҳтимоллари ҳам юқори. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун давлат томонидан илгари сурилаётган ахборот сиёсати тўғри олиб борилиши, давлатнинг амалга ошираётган ислохотларига фуқароларнинг ишончи пайдо бўлишига олиб келади. Муаллифнинг фикрича, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ОАВ майдонида улкан ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бошқа жиҳатдан эса информацион дастурлар ҳар доим томошабин учун муҳим дастурлар сафида бўлиб келган. Мақолада давлат телеканалларидаги информацион дастурлар мисолида тезкорлик ва холислик масаласи таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, давлат телеканалларининг йиллар давомида тўплаган профессионал хусусиятлари, тажрибасига тўхталиб, бугунги кунда йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталинди.



Ўзбекистонда бўлаётган кенг қўламли ислохотлар телевидение соҳасини ҳам четлаб ўтмаяпти. Дунё миқёсида рақамли технологиялар имкониятининг ортиши туфайли нафақат юртимиз балки дунёнинг барча мамлакатлари ахборот майдонида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Дунёда бўлаётган технологик янгиланишлар ва ҳукуратимиз томонидан соҳага берилаётган эътибор натижасида телевидение ривожланишининг янги бир босқичини бошлади. Бошқа жиҳатдан олганда, дунё ўргимчак тўри (www) қарийб барча давлатларни қамраб олди ҳамда оммавий ахборот воситаларининг янги турларини пайдо қилмоқда.

Ўзбекистонда телевизион каналлар – давлат телеканаллари, ҳудудий телеканаллар ва нодавлат телеканаллардан иборат. Сўнги вақтларда бу сафга онлайн платформалар орқали фаолият юритаётган каналларни ҳам қўшиш мумкин бўлмоқда.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ўз. МТРК) тизимида марказий “O‘zbekiston”, “O‘zbekiston 24”, “Yoshlar”, “Dunyo bo‘ylab”, “Sport”, “Mahalla”, “Madaniyat va ma‘rifat”, “O‘zbekiston tarixi”, “Toshkent”, “Foreign language”, “Bolajon”, “Kinoteatr”, “Navo” телеканаллари мавжуд.

Ўз. МТРК телеканаллари орасида энг биринчи бўлиб “O‘zbekiston” телеканалларида информацион дастур “Ахборот” эфирга узатила бошлаган. Бу дастур узоқ йиллар мамлакатимиздаги аксарият аҳоли томоша қилувчи информацион дастур бўлиб келди. 2017 йилда “Ахборот” янгиликлар дастури муҳарририяти фаолияти “O‘zbekiston 24” информацион телеканаллари ташкил

этилиши боисидан тугатилган эди. “O‘zbekiston” телеканаллари ҳозир кунига икки маҳал тонгги 8:00 ҳамда кечки 21:00 да “O‘zbekiston 24”нинг “Ахборот 24” дастурини ҳафтада 6 кун эфирга узатади. Айнан шу соатларда ҳар икки телеканалда бир дастур томошабинларга тақдим қилинади.

“Yoshlar” телерадиоканаллари томошабинларга ўзининг янги қиёфа ва замонавий руҳдаги “Давр” информацион дастурини 1998 йилдан буён тақдим қилиб келмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, бундан бир неча йиллар аввал теле-янгиликлар йўналишида ўзига хос ёрқин услубда тайёрланган дастур юқори профессионалиги билан ҳам ажралиб турган. Бироқ 2013-2015 йилларга келиб турли омиллар таъсирида “Давр” информацион дастурининг сифат даражаси аввалгидек бўлмай қолди. 2020 йилнинг 19 май кунидан коронавирус пандемияси туфайли эфирга берилиши тўхтатилган бу информацион дастур шу йилнинг 31 августидан “Янги давр” номи билан қайтадан эфирга узатилиши йўлга қўйилди. Ҳозирда Республикаимизнинг турли ҳудудларида содир бўлаётган воқеаларни кунига икки марта соат 14:00 ва 19:00 да 30 дақиқадан ҳамда 16:00 да инглиз тилида эфирга беряпти. Ушбу дастур давлат телеканаллари статусида бўлишига қарамай бугунги кун талаби – аҳолининг холис ахборотга бўлган эҳтиёжини тўғри англамоқда, замонавий руҳда ёндошишга интиломоқда. Муҳими, жамиятда бўлаётган турли мавзуларга тезкорлик билан муносабат билдиришга, ижтимоий тармоқлар орқали омма эътиборига тушаётган хабарларга ҳам



изоҳ беришга ҳаракат қиляпти. Ҳозирча Ўз. МТРК тизимидаги телеканаллар орасида юртимиз ҳамда хорижнинг муҳим хабарлари, спорт янгиликлари жамланган замонавий руҳдаги ягона инфор­мацион дастур бўлиб турибди.

Республикамизда илк марта алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган “Sport” телеканал­и эса ушбу даврга келиб кун давомида 4 мартадан 10 дақиқалик “Худуд вақти”, “Спорт янгиликлари”ни эфирга узатиб келмоқда. Табиийки, бу инфор­мацион дастурлар йўналишдан келиб чиқиб спорт мавзуларини қамраб олади. Таъкидлаш керакки, бундан бир неча йиллар аввал юртимиздаги энг салоҳиятли спорт журналистлари, телебошловчилар ижод қилиб, миллионлаб спорт мухлислари учун қизиқарли спорт шарҳлари, янгиликларини тақдим қилишган. Айтиш мумкинки, томошабинларнинг меҳрига ҳақли равишда сазовор бўлишган. Бунда профессионал спорт шарҳловчилари ва ўз ишининг усталарининг ҳис­саси катта бўлди. Бироқ сўнгги йилларда бундай профессионал ходимларнинг телеканалда фаолият юритмаётгани, бошқа хусусий телеканал ва спорт ташкилотларига ишга ўтиб кетиши дастурларнинг сифатига кескин салбий таъсир қилди.

“Toshkent” телеканал­и худудий телеканал ҳисобласансада инфор­мацион теледастурлар тайёрлашда ўз йўналиши ва ўрнига эга. Телеканалдаги “Пойтахт” инфор­мацион дастури бир неча йиллар аввал профессионал ёндошув асосида тайёрланиб, томошабинлар эътиборига тушганди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ёритишга

интилиб, уларга ижобий ечим топилишига ҳам эришган. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида ахборот дастурлари профессионал жамоанинг барча имкониятларини кўрсатиб бера олган. Бугунги кунда эса ушбу дастурнинг материаллар даражаси аввалгидек эмаслигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари “Маданият ва маърифат” телеканалининг 2017 йилгача бўлган эфир сеткасида “Бугун” номли инфор­мацион дастури мавжуд эди. Ушбу дастурда янгиликларнинг илмий, маърифий, маданий йўналишда бўлишига эътибор қилинган. “O‘zbekiston 24” телеканал­и ишга тушгач, бу дастурнинг эфирга узатилиши тўхтатилди. Ҳозирги пайтда турли рукнларда ўз йўналишидаги муҳим воқеаларни баъзан репортаж шаклида эфирга узатмоқда.

“Дунё бўйлаб” телеканал­и дастурлари орасидаги “Тафсилот” инфор­мацион дастури ҳам 2017 йилда тўхтатилгач, “Эфирда биз”, “Инфонигоҳ”, “Бизнес­ревью” каби номлар билан янгиликларни 2022 йилнинг баҳор ойларигача томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Айни пайтда ушбу телеканал дастурларини фақат рус тилида эфирга узатмоқда.

Республика миқёсидаги концепция жиҳатидан ўзига хос “Маҳалла” телеканалининг “Репортёр” номли ҳафтада 6 кун соат 19:00 да кўрсатиладиган инфор­мацион жанрга мансуб дастури бор. Унда Республика­мизнинг турли худудларидан ижтимоий хабарлар тайёрланмоқда. Ушбу кўрсатувлар мазмуни бошқа янгиликлар дастурларидан асосан ижтимоий,



маданий мавзуларга бағишлангани билан фарқ қилади.

Ўз. МТРК телеканаллари орасида инфор­ма­цион дастурларга ихтисослашган “O‘zbekiston 24” теле­ка­на­ли 2017 йил 24 июлдан ўз дастурларини эфирга узата бошлади. У юртимизда барча жабҳалардаги бўлаётган муҳим воқеалар, хабарларни 24 соат давомида кенг ва тезкорлик билан ёритиб бориш мақсадида ташкил этилган.

Америкалик файласуф олим, лингвист Ноам Хомский ва Эдвард Херман бугунги оммавий ахборот воситалари борасида беш фил­тердан иборат моделни яратди. Ушбу модел тўғридан-тўғри тележурналистика, янгиликлар дастурлари масаласига боғлиқ.

Олимнинг фикрича, исталган янгилик ёки маълумот оммавий ахборот воситасида нашр этилишидан аввал ушбу фил­терлардан ўтади. Биринчи фил­тер. Миқдор, мулк ва даромадни кўзлаш. Жаҳон амалиётида, одатдагидек, йирик конгломератлар устунлик қилади. Булар Америка Қўшма Штатларидаги The Walt Disney Company, News Corporation, Viacom ва Time Warner. Россиядаги “Газпром медиа-холдинг”, Умумроссия давлат телевидение ва радиоэшиттиришлар компанияси, Миллий медиа гуруҳлар ва бошқалар.

Уларнинг асосий вазифаси даромад олиш. Шунинг учун улар ўз эгалари, ҳамда уларни назорат этувчи инвесторларнинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур. Бундай ОАВ муҳаррирларининг ихтиёри ўз қўлида эмас ва эга (муассис)ларининг қандай қарор қабул қилишига қарайди. Шу билан бирга ушбу муассисларнинг

бошқа корпорациялар, бизнесменлар, давлат билан муштарак манфаатлари бўлади ҳамда уларга зарар етказиш нияти бўлмайди. Бу эса янгиликлар таркибининг танланиши ва уларнинг берилишига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиши.

Ушбу фил­тер алоҳида аҳамиятли, чунки йирик конгломератлар аудиториянинг катта қисмини назорат қилади. Унчалик катта бўлмаган нашриётлар улар билан оммавий томошабин ва ўқувчининг эътибори учун камдан-кам ҳолларда рақобат қила олади. Бунинг боши ва охири йўқ: аудиторияни қанчалик кенгайтирмоқчи бўлсангиз, шунчалик кўп маблағ керак бўлади, катта маблағлар эса тор доирадаги инсонларнинг қўлида. Шундай қилиб, оммавий аудитория ҳар доим биринчи фил­тернинг таъсирида бўлади.

Ўзбекистонда ҳали “Viacom” ёки Умумроссия давлат телевидение ва радиоэшиттиришлар компанияси каби қудратли конгломератлар шаклланмаган. Хусусий телестанциялар ва онлайн-медиа бозорни озми-кўпми назорат қилаяпти.

Ўз. МТРКни ҳам йирик конгломерат дейиш мумкин. Мамлакатдаги ушбу ташкилот биринчи фил­терни тўлиқ равишда ишлатаяпти. Ўз. МТРК ўз эгаси, яъни давлатни ҳеч қачон танқид қилмайди, унинг ташқи ва ички сиёсат соҳасидаги манфаатларига даҳл қилмайди. Танқид ва кескин конфликтли материалларнинг давлат телеканалларида берилмаслиги ҳолати бутун дунё тажрибасида ҳам кузатилади. Бироқ бундай ҳолатларда ушбу назоратнинг қай даражада экани аҳамиятли. Бу телеканалларда юқори ижодий мавқедаги қўшиқчилар яъни PR



га муҳтож бўлмаган санъаткорлар, давлат мукофотлари билан тақдирланган, халқнинг сеvimли ижодкорлари чиқиши; кўнгилочар, замонавий теледастурларнинг тайёрланиши қатъий назоратга олиниши керак, дегани эмас. Устига-устак бу телеканалларнинг рейтингига кучли таъсир қиладиган даражада бўлиши керак эмас. Акс ҳолда ҳозиргидаги каби Ўз. МТРК дастурларининг аудитория томонидан қабул қилинмаслиги ҳолати кузатилади. Рейтинги жуда паст бўлган медиа воситаси давлатнинг ихеч қайси мафқурасини аҳолига сингдиришга хизмат қилмайди.

Маълумки, пандемия вақтида 2020 йилнинг 15 мартдан бошлаб таълим муассасаларида таътил эълон қилинди. Бироқ бу вақтда ўқувчилар мактаб таълим дастурларидан узилиб қолиши мумкин эмас эди. Ана шу вақтда Ўз. МТРК телеканалларида онлайн тарзда ўқув дастурлари йўлга қўйилди. 2020 йилнинг 30 март кунидан бошлаб 5 та хорижий телеканал эфирлари ўрнига онлайн видеодарслар маълум соатларда кўрсатиб борилди. Бундай мавсумий дастурларнинг тайёрлангани давлат телеканалларининг аҳолига вазиятдан келиб чиқиб, хабар ёки маълумотларни етказишдаги ўз вазифасини бажарганини билдиради.

Таъкидлаш керакки, пандемия пайтида кенг жамоатчиликда ахборотга бўлган эҳтиёж кескин ортди. Дастлаб, апрель-март ойларида онлайн интервьюлар ташкиллаштирилди. Аммо кейинроқ давлат телеканалларининг информацион дастурлари тўхтатиб қўйилди. Масалан, “Yoshlar”, “Toshkent”, “Sport” телеканалларидаги

информацион кўрсатувлар. Аслида бу теледастурлар информацияга эҳтиёж ортган пайтда аҳолига ишончли, тезкор, холис маълумотларни бериб бориши керак эди. “O‘zbekiston 24” телеканали бу жараёндан мустасно.

Информацион телеканал бугун томошабинлар учун ҳар соатда янгиликларни оммага тухфа қилиб келмоқда. Яна бир жиҳати эътиборлики, бу янгиликлар ўзбек, рус, инглиз тилларида берилди.

Телеканал дастурига назар ташланса, кундалик “Хабарлар”, “Ахборот 24”, “News 24”, “Таҳлилнома” ҳамда ҳафта давомида кўрсатиладиган “Интервью-24”, “Тафсилот”, “Махсус репортаж”, “Тараққиёт формуласи”, “Студия-24” дан иборат эканини кўрамай. Биринчи учликдаги дастурларда маълумотлар лавҳа сифатида берилса, “Таҳлилнома”да ҳафта воқеаларини атрофлича ёритишга эътибор қаратилади.

2020 йилда 330 дан ортиқ ходимга эга бўлган телеканалнинг мухбирлар тармоғи иш услубини “O‘zbekiston”, “Yoshlar”, “Sport”, “Toshkent” телерадиоканалларининг мухбирлар тармоқлари билан мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этишни бошлади.

Телеканал мамлакатдаги энг йирик, ягона информацион, ихтисослашган, расмий оммавий ахборот воситаси саналади. У Ўзбекистон жамоатчилиги учун долзарб маълумотларни аҳолига қай даражада етказа олапти? Материалларнинг кўримлилик даражаси қандай? Бу саволларга телеканалда эфирга узатилган лавҳаларнинг таҳлили жараёнида жавоб топиш мумкин.



Албатта янгиликларни бериш ҳамма давр ва жой учун “олтин қоида”га айланган сиёсий хабарлардан бошланади. Одатда бу давлат раҳбарларининг учрашувлари, хорижий мамлакатлар расмий вакилларининг юртимизга ҳамкорлик масалалари бўйича ташрифи, Ўзбекистон Президентининг худудларимиз бўйлаб ташриф ва ўрганишлари жараёнлари бўлади. Сўнг бошқа хабарлар берилади. Эфирга узатиладиган аксарият маълумотлар янгилик эмас, хабар жанрига мансуб.

Хабарларни ёритишда ҳаддан ташқари расмийлашиш кузатилади. 1990-2000 йиллар информацион дастурларида воқеани илмийлаштириш, соҳа вакиллари тушунадиган даражада мураккаблаштириш, ортиқча расмий сўзлар билан ўзига хос тус бериш одатга айланганди. Бу гўёки томошабин даражасига тушиб қолмасликнинг йўли сифатида шаклланганди. Хабар тўғридан-тўғри “айтиб қўйилмаслиги” керак, деган ёндошув оқибатида юзага келган, дейиш мумкин. Тўғри, айрим расмий тадбирлар баъзида ҳақиқатда ана шундай руҳда ўтади. Аммо аслида “юқори” даражада ўтмаётган тадбирларга ҳамма ҳам “бўёқ” беравермаслик керак. Афсуски, жуда кўп ҳолатларда ана шундай ортиқча расмий бўёқ берилавериши; телеканал раҳбарияти ёки бошқа ташқи кучлар аралашуви оқибатида материаллар бир қолипга тушиб борди. Томошабиннинг эътиборини тортишга уриниш, креатив ёндошиш янги замон талабларига мослашиш унутилди. Оқибатда, ахборотга нисбатан аҳолининг ишончи сўниб борди. Боиси йиллар ўтди, замон ўзгарди. Бироқ “Ахборот” дастурида

ўзгарган замон, шиддатли давр руҳи акс этмай қолаверди. “O'zbekiston 24” телеканалда ҳозир ҳам аввалги даврда фаолият юритган кадрларнинг аксарияти ишлаб келмоқда. Аксарият катта авлод вакиллари “дунёқараши”дан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, улар янгиликка мослашувчан эмас. Инновацияни ўрганишни истамайди ёки ўргана олмайди. Ваҳоланки журналистика айниқса тележурналистика замон билан ҳамнафас бўлишни, ҳатто замондан бир неча одим илгари юришни талаб қилади. Журналистикада кадрлар ҳаммиша ўз устида ишламаслиги, малака оширмаслиги ёки хорижий ОАВ билан ҳамнафас бўлиб юрмаслиги оқибатида айрим “катта авлод” мутахассислари дунё миқёсидаги тележурналистларнинг ишлаш принципларидан ортда қолган. “O'zbekiston 24” телеканал дастурларига бугунги кун замонавий журналистикаси нафаси кириб бормаганининг сабаби ана шу масалада ҳам кўринади. Қолаверса, соҳага кириб келаётган ёш кадрлар ушбу теледастурларни тайёрлаши жараёнида эскиган яъни аввалги “қўпиртирилган” хабарни бериш усули катта авлод кадрлари томонидан талаб қилинади. Уларнинг наздида бу бир неча йиллик “муҳим ва керакли” тажриба. Шу аснода телеканалга келаётган ёш кадрлар ана шу “эскиган тажриба” асосида “қотиб қолмоқда”. Томошабин диди, талаби эса кундан-кунга ўзгариб борапти. Мисол тариқасида 2021 йили 23 апрель соат 23:00 да эфирга узатилган янгиликлар сонининг биринчи лавҳасига эътиборни қаратамиз. Материал шу куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга



тайинланган етти нафар янги элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш маросимига бағишланди. Тадбирнинг мазмуни: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бангладеш Халқ Республикаси элчиси Муҳаммад Жаҳонгир Аълам, Чехия Республикаси элчиси Вацлав Йилек, Миср Араб Республикаси элчиси Амира Фаҳмий, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги элчиси Демия Зуҳайр Ҳаддод, Туркия Республикаси элчиси Олган Бекар, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Шарлотт Адриан ва Россия Федерацияси элчиси Олег Мальгиновдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олгани эди. Информацияни беришда бошловчилар кириш қисмидан сўнг яъни лавҳани бошланишида 4 дақиқадан ортиқ вақт Президентнинг нутқи қўйилди. Президент нутқидан сўнг, кетма-кет сайланган элчиларнинг, хорижий меҳмонларнинг фикрлари берилди. Бу интервьюлар мухбирнинг таржимаси орқали берилди. Аммо мана шу материални ёритишда қизиқарли қилишга ҳаракат қилинмаган. Фақат интервьюлар кетма-кет қўйиб берилди, холос. Аслида фикр билдираётган кишиларнинг таассуротлари жонли, турфалигича берилса, самимий бўларди. Самимийлик томошабинга ҳар доим ёққан. Бундан ташқари, хорижликлар фикрлари таржима қилинганида фикрларни “ўзбекча қолип”га солишга уринилгани яққол сезилиб туради. Сабаби бундай қолиплар бир неча йиллар давомида “Ахборот” услубида аҳолига берилган. Кўпчилик уларни кўрган, “қолип”нинг мотивини яхши билади. Уни бир зумда англаб олиш қийин эмас. Шахсан ўзим информатсион

дастурда ишлаш давомида кўплаб халқаро конференциялар, сайлов жараёнлари, хуллас хорижий экспертлар қатнашадиган жуда кўп тадбирларни ёритишда иштирок этдим. Турли нуфузга эга бўлган чет давлатлар вакилларида интервьюлар олдим. Яхши биламизки, хориж мутахассислари “ўзбекча қолип” доирасида фикр баён қилмайди. Қолаверса, турли бўёқдор сўзлар, тўғридан-тўғри мақтовларни айтишдан чекинишади.

Бу ҳолатда, ҳеч бўлмаганда энг оддий усул – журналист саволни беришни кадрда ўзи кўринган ҳолда қилиши мумкин эди.

Дастур давомида бундан кейинги даражадаги сиёсий воқеалар берилишида давом этилди. Афсуски, аксарият материалларда бир хил: “интервью+кадр орти матн+интервью+кадр орти матн+интервью+кадр орти матн” бир хил йўсинда такрорланади. Фарқ фақат сўзлар ва кадрларда холос. Сўзларнинг қай тарзда қурилиши кетма-кетлигини ҳам бемалол олдиндан тузиб бериш мумкин: мавзуга сиёсий, расмий гаплар (Қарор, Фармон, ҳукумат ҳужжатлари каби) билан кириш+тадбир ўтказилгани+тадбирда нималар бўлгани+ҳавойи гапларга йўғрилган тарзда тадбирнинг мақсади, нималарга хизмат қилиши. Тамом. Журналист қоидага кўра, мавзу юзасидан хулоса бермаслиги керак. Бироқ бизнинг гўёки “оми” халқимиз ана шу хулосаларни чиқара олмайдигандек, мухбирлар томонидан лавҳа сўнгида шаблон хулосалар берилади.

Қолаверса, хорижий мамлакатлар вакиллари интервью бериб қатнашадиган материалларни



тайёрлашда наҳотки, инглиз тилини биладиган битта мухбир Республикада ягона бўлган информацион телеканалда топилмаса... Табиийки, бугун ҳар қандай соҳада инглиз тилини биладиган мутахассисларни топиш мумкин. Журналистлар орасида ҳам кўп. Демак, кўринадики, бу жараёнда мутахассис эмас, хоҳиш топилмаган.

Худди шу информацион дастурнинг рус тилидаги варианты орадан икки соат ўтиб, тунги 1:00 (24 апрель, 2021 йил)да кўрсатилди. Юқорида таҳлил қилган материалнинг рус тилидаги варианты ҳам худди шу тарзда эфирга берилди. Тўлиқ дастурнинг битта материалида истисно ҳолатни кузатдим. Яъни мухбир (С. Баграмов) воқеани ёритишга бошқаларга қараганда ноодатийроқ ёндошган. Мавзу ҳозирги кунда истеъмолга киритилаётган “Ақлли электр ҳисоблагичлари” ҳақида. Материалнинг бошланишида инфографика қўшган. Шундан кейин Яшнобод туманидаги технопаркда ишлаб чиқарилаётган бундай ҳисоблагичлар заводини Президент бориб кўргани ҳақидаги хабарни улайди. Президент ташрифидан кейинги тасвирларни кўрсатгач, ҳисоблагичларнинг устунлиги ҳақида хитойлик мутахассис фикри, сўнг мухбир ўзи воқеа жойида заводнинг масъул ходимидан маълумот олади. Бу интервью катта экран олдида бўлиб, кичик суҳбат бўлади. Шу билан баробар кадрда мутахассис ва репортёр ҳаракатда ҳам бўлишади. Кейин заводдаги ҳисоблагичлар ишлашини назорат қилувчи бўлимга ўтилиб, мухбир саволни оддий ва оммабоп тарзда “Мен ҳам хонадонимнинг электр энергияси бўйича тўлов ҳолатини шу

ердан кўрсам бўладими?” дейди. Мутахассис кўрсатиб, тушунтириб беради. Материални тайёрлашда озроқ таҳлилий фикрлар қўшилади. Бу репортажга темп, кўримлилиқ берган. Хабарларнинг уч тилда: ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилиши жуда қувонарли ҳол. Мамлакатда ягона ҳисобланган информацион телеканалнинг бундай салоҳиятга эга бўлиши айни муддао. Фақат уларнинг мазмун ва шакли даражаси устида яна ишлаш керак. Мабодо, хориждаги ватандошлар ёки мутахассислар Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида маълумот олгиси келса, ушбу телеканал дастурларини кўриши мумкин. Шу маънода мамлакатда бўлаётган жараёнлар тўлиғича, холис ёритилиши Ўзбекистон имижига ижобий таъсир қилиши учун муҳим.

Яна бир асосий муаммо телеканалларнинг аниқ бир дастури “Кун тартиби” йўқ бўлиб қолган. Теледастурларнинг аниқ бир тартиб асосида йўлга қўйилмагани ҳам томошабинни ўзидан “қочиради”. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида турли ташкилотлар томонидан ўтказиладиган матбуот анжуманлари ҳамда брифингларни биринчи бўлиб “UzReport” телеканали жонли эфир орқали тезкор етказишни ташкил қилди. Бу тадбирларни бошқа телеканаллар тасвирга олиб, монтаж қилиб, эфирга бергунича, аҳоли бу тадбирда сўз юритилган масалалардан хабардор бўлиб улгуришаётганди. Яқин кунлардан бошлаб бу тажрибани “O'zbekiston 24” телеканали ҳам қўллаб бошлади. Хўш, мамлакатдаги энг йирик, ягона информацион телеканалнинг бу тажрибани аввалроқ ёхуд биринчи



бўлиб амалга оширишига нима тўсқинлик қилди? Эртами-кеч бу телеканал ҳам жонли эфир орқали уларни беришар экан-ку. Тўғриси, бундай хатти-ҳаракат ва ўрни келганида, вақтида қилинмаган ҳаракатсизликдан оддий томошабин ҳам турли “назорат”, танқид беришдан қўрқиш яъни ички цензуранинг мавжудлигини пайқайди. Информацион эҳтиёжни бошқа ресурслар орқали тўлдиришга ўтади.

Шу каби сабаблар Ўз. МТРК таркибидаги телеканалларда ҳам “Раҳбариятнинг рухсати”ни кутиш, улар томонидан топшириқ келмагунча бирор нима бажаришдан қўрқиш ҳолати кузатилади.

Оқибатда, телеканаллардаги ижодий муҳит издан чиқди. Техникалар эскиди. Ойлик иш ҳақи камайди. Салоҳиятли журналистларнинг давлат телеканалларини тарк этишди, этишяпти. Бугун давлат телеканалларининг тақдири аксарияти бошқа соҳа вакиллари: филолог, алоқачи каби журналистиканинг асл моҳиятини тушунмайдиган ваколатли ходимлар қўлида қолмоқда.

Бугунги кун томошабинининг талаблари замон шиддати каби тезкор ўзгариб бормоқда. Ахборот асрида, информациялар оқимида яшаётган бир пайтимизда ягона информацион телеканалга одамларнинг ишончи сўнган. Бу фожеа. Ҳар қандай ахборотни ёритишнинг мақсади уни кенг жамоатчиликка етиб боришини таъминлашдир. Бунинг учун кўримли, қизиқарли бўлиши шарт. Агар кўримли бўлмаса, томошабин қизиқмаса, ҳар қандай давлат сиёсатини ёки бошқа

ижобий ғояларни тарғиб қилишдан фойда йўқ.

Ҳозирги кун ахборот сиёсати, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўхталар эканмиз, давлат ташкилотлари раҳбарлари орасида замонавий, кенг фикрлайдиган кадрларнинг бўлиши жуда муҳим. Бу ислохотларнинг асосини, тизимли бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистондаги давлат телеканаллари бугунги кунда ислоҳ қилишга муҳтож. Айрим соҳаларда, баъзи ташкилот раҳбарлари 5 йил ичида ҳатто ундан ҳам кам муддатда қайта-қайта ўзгартирилиб, тизим ислоҳ қилинади. Давлат телеканаллари қайта ташкил қилинганига 16 йил тўлди. Аслида дунёда бўлаётган турли жабҳалардаги янгиликларни жуда тез ўзига сингдириши, бошқача қилиб айтганда, замон билан доим ҳамнафас бўлиши, жамиятдан бир қадам олдинда юриши керак бўлган телевидение бугунги кунда замондан, жамиятда бўлаётган ўзгаришлардан ортда қолиб кетган. Давлат телеканалларига журналистик ижод деган тушунча аллақачон бегона бўлиб улгурди. Кадрларнинг салоҳияти бир ерда, яъни бундан 10-15 йил олдинги талаблар билан қотиб қолган. Минг афсуслар бўлсинки, тизимга келадиган ёшлар вакиллари ҳам ана шу “эски” фикрлаш, ишлаш қолипига солишга ҳаракат қилинади. Иш керак бўлган ёшларнинг кўпчилиги бунга кўникишига тўғри келади. Бунга кўника олмаган мутахассислар эса соҳани тарк этишяпти. Айримлар хусусий телеканалларда ишлашига тўғри келмоқда. Албатта, хусусий телеканаллар учун ҳам мутахассислар керак. Аммо уларда иш ўрни борасида



имконият давлатниқига қараганда кам. Шу тариқа телевидение бўйича мутахассис сифатида шаклланган яхши кадрлардан соҳа айрилмоқда. Устоз – шогирд анъанаси унутилди. Табиийки бу жараёнлар ҳам телемахсулот рейтингига таъсир қилади.

Ривожланган давлатларда, муваффақиятга эришган ижтимоий медиа воситаларида мухбир тасвирга олади ва видеомонтаж қилади. Давлат каналлари кадрлари бу масалаларда ҳам ортда қолган.

Республикада ягона саналган телевидение тизимида техник жиҳатдан ҳам муаммолар йўқ эмас. Виолетлар

телерадиокомпанияларидаги ҳолат эса ачинарли. Аслида бугунги кунда виолетларда “телерадиокомпания”лар керакми? Давлатнинг йирик секторлари хусусийлаштиришга ўтилганига кўп бўлганига қарамай, бу тизимларнинг ягона тизимга бириктириб турилиши қанчалик тўғри?

Ижтимоий тармоқларда Ўз МТРК дастурлари кўримли, қизиқарли бўлмай қолганининг кези келганда “Сусамбил телеканаллар” дея мазақ қилинишида ўзига яраша жон бор. Ҳукумат телеканални ташкил этишда мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни ёритиб бориш вазифасини кўяр экан, унга томошабоп, кўримли ёки

қизиқарли кўрсатувлар тайёрлашга тўсиқ қўймаган.

Бугунги кун томошабинига нималар керак? Уларни қандай турдаги телемахсулотлар қизиқтиради? Ушбу саволларга қисқа қилиб, кўнгилочар дастурлар, жойлардаги муаммолар ва уларни ечимига қаратилган танқидий-таҳлилий материаллар қизиқтиради, деб айтиш мумкин. Аслида бу жавобнинг энг аввалида информацион дастурларни киритиш жоиз эди. Афсуски, бугунги шиддатли замонда булар қаторига давлат телеканалларидаги информацион дастурларни киритолмаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўз. МТРК хусусан “O‘zbekiston 24” телеканалининг ахборот узатиш услубини тўлиқ ислоҳ қилиш лозим. Унинг тезкорлик ва холислик масаласида оқсаётгани яққол намоён бўлиб турибди. Тўғри, мамлакатда кечаётган ижобий жараёнларни, ютуқларимизни кўришимиз керак. Шу билан биргаликда, ҳаётини материаллар, камчиликлар ҳам акс этиши даркор. Ахир “ойнаи жаҳон” давлат ва жамиятга ойна тутиши керак эмасми?.. Балки кадрлар сиёсатини ўзгартириш керакдир, балки мақсадларни бошқачароқ қўйиш керакдир. Аммо канал фаолиятини такомиллаштириш вақти келганини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

References:

1. Дўстмуҳаммад Х. Оммавий воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари – Т., Ўзбекистон, 2015
2. Илмира Раҳматуллаева “Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун” – Т., Янги аср авлоди, – 2005